O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**БУГУНГИ СОНДА:**

### Илмий-амалий семинар

Бухоро шаҳридаги Иқтисодиёт ва банк коллежида Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппарати ва Бухоро вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаси мазмун-моҳияти ҳамда Баркамол авлод йилида «Адолат» СДПнинг устувор вазифалари» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

2

### Электр двигателли «Нано-ИВ»

*Ҳиндистоннинг «Тата моторз» корпорацияси электр двигателли «Нано-ИВ» русумли машина ишлаб чиқара бошлади. Автомобиль соатига 105 километр тезлик билан ҳаракатлана олади.*



3

### Ёш мусиқашунослар ютуғи

Асосий йўналиш — халқ чолғу асбоблари йўналиши бўйича Глиэр номли Республика махсус мусиқага ихтисослашган академак лицейи ўқувчилари ғолибликни қўлга киритдилар.



4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 10 (766)
2010 йил, 12 март, жума

adolat_sdp@doda.uz

## БОЛАЛАР СПОРТИ: АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

**Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

**Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорти объектларининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги, 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.**

**Қуйида Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.**

1. Ҳомийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ориповнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорти объектларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаб ва танқидий муҳокама қилиб, тайёрланган материалларни қайта ишлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Комиссия (А.Орипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда жойларга чиқиб, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини яна бир бор танқидий таҳлил қилсин. Бунда болалар спорти объектларининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратсин:

спорт билан оммавий шуғулланиш — болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш қамрови даражасини ошириш. Бунда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар) ўқувчиларининг умумий сони асос қилиб олинсин;

ўрнатилган нормативлардан келиб чиқиб, болалар спорти объектларининг спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланиш даражаси;

болалар спорти объектларининг тасдиқланган нормативларга мувофиқ, юқори малакали, профессионал даражада тайёрланган мураббийлар ва таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқитувчилари, жумладан, хотин-қиз мураббийлар билан тўлдирилгани;

спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — бир кун ва ҳафта давомида турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш соатлари, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;

спорт билан шуғулланиш самарадорлиги — республика ва халқаро мусобақаларда 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлардан совриндорлар сони.

Комиссия ўтказилган таҳлил натижалари бўйича, уларни танқидий баҳолаш билан бирга, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, мазкур иншоотларни тасдиқланган нормативларга мувофиқ замонавий спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббий кадрлар билан таъминлашга доир аниқ таклифлар киритсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ой муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қурилган, алоҳида жойлашган 178 намунавий болалар спорти объектларининг баланс эгаларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклиф киритсин ва бундан кейин уларни талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни назарда тутсин;

алоҳида жойлашган ҳар бир болалар спорти объектини талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтирсин.

Алоҳида жойлашган спорт иншоотларидан самарали фойдаланмаслик республика ва вилоятлар спорт федерациялари фаолияти қониқарсиз эканини белгиловчи кўрсаткич ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манфаатдор идора ҳамда тузилмалар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хотин-қиз мураббийларнинг базавий ойлик маошига 15 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б.Ходиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов) 2010/2011 ўқув йилида олий ўқув юртларига қабул қилиш режасини шакллантиришда хотин-қизлардан юқори малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашни кенгайтиришни назарда тутсин.

(Давоми 2-бетда.)

**Парламентда**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан «Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабидан келиб чиқадиган «Адолат» СДП фракцияси фаолиятининг асосий йўналишлари» мавзуида семинар ташкил этилди. Семинарда парламент қуйи палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, экспертлар ва мутахассис олимлар, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**



## МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ ВАЗИФАМИЗДИР

дея таъкидланди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг семинарида





Парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари И.Саифназаров бошқарган ушбу семинарда Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан ҳамда партиянинг сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий вазифалари муҳокама қилинди.

— Мамлакатимизда икки палатали қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиши, қонун ижодкорлиги соҳасида Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган демократик мамлакатлар қаторига кўтарилишига имконият яратди, — деди И.Саифназаров. — Бугунги кунда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатидан иборат икки палатали парламенти шароитида қонун ижодкорлиги тубдан янгича мазмун касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда қонун ишлаб чиқишдек мураккаб фаолиятни, қабул қилинган қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан самарали ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда, айниқса, Қонунчилик палатаси ҳамда унда фаолият юритаётган депутатлик бирлашмалари ўз ўрнига, ўз қарашларига эга бўлмоғи лозим.

(Давоми 2-бетда.)

**Тадбир**

## «ЁШ АДОЛАТЧИЛАР»

билан давра суҳбати

**Юқоричирчиқ туманида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Баркамол авлод — кучли фуқаролик жамиятининг мустаҳкам таянчи" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ҳамда вилоят "Ёш адолатчилар" вакиллари иштирок этишди.**

(Давоми 2-бетда.)

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

## ФАЗИЛАТЛИ ЮРТ, ХАЛҚ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Буюк ватандошимиз, улуғ аллома Абу Наср Форобийнинг неча-неча асрлар ортидан туриб айтган мана бу сўзлари жарангига қулоқ тутинг, маъно-мазмунига эътибор қилинг: **«Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида кишиларни бирлаштирувчи юрт — ФАЗИЛАТЛИ ЮРТДИР. Ўсиб келаётган ўғил-қизларимизни баркамол қилиб тарбиялашни энг катта мақсад деб билгувчи халқ — ФАЗИЛАТЛИ ХАЛҚдир.»**

Не бахтки, биз ҳаммамиз — кексаю ёш ана шу фазилатли юрт, фазилатли халқ аждодларидан ўрган инсонлармиз. Фарзандларимиз эса меҳр-мурувватли, саҳий-саховатли, раҳм-шафқатли, қадру оқибатли, илму урфонга чанқоқ, бағрикенг мўътабар ота-боболаримизнинг янги авлоди. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун: **«Биз ана шу авлод учун яшаяпмиз!»**

(Давоми 3-бетда.)



**Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларида**

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳудудий ташкилотларининг бўлиб ўтаётган пленумларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг III пленумида белгилаб берилган вазифалар асосида партия ташкилотларининг келгуси иш режалари белгилаб олинмоқда.**

**Уларда ҳудудий партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, партиядан сайланган халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, кенгашлар аъзолари ва «Адолат» СДП фаоллари сўзга чиқиб, Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, партиялар ва депутатлар фаолияти билан боғлиқ қатор йўналишлардаги вазифалар ижроси юзасидан амалий таклифлар билдирмоқдалар, Партиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеи ҳамда позициясини мустаҳкамлаш, шунингдек, сайловолди Платформасидан ўрин олган ғоя ва мақсадларни амалга ошириш борасида мулоҳазалар юритмоқдалар.**

## ЯНГИ ДАВР ЯНГИЧА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Қарши шаҳрида «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгашининг III Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия вилоят Кенгаши аъзолари, Маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ва партия фаоллари иштирок этди ва вилоят партия Кенгаши олдида турган қатор долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Пленум кун тартибидаги биринчи масала — Сайлов натижалари ва Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасидан келиб чиқадиган дастурий кўрсатмаларни бажариш юзасидан вилоят партия Кенгашининг вазифалари тўғрисида Кенгаш раиси Абдуқаҳҳор Аҳмедов маъруза қилди.

Нотиқ 2009 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар халқаро демократик тамойилларга тўла мос тарзда — очиқлик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтганлигини таъкидлади. Энг муҳими, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлиги, уларда мамлакат тақдири, юрт келажагига дахлдорлик ҳисси тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги намоён бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

## БОЛАЛАР СПОРТИ:

# АСОСИЙ МАҚСАД – СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда вилоятлар, шаҳар ва туманлар кесимида болаларнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг жисмоний ҳолатига, касалланишининг камайишига таъсир этиш кўрсаткичлари бўйича мониторинг тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин, шу асосда спортнинг муайян турлари билан шуғулланишни кенгайтириш ва спорт машғулотларининг оғирлик даражаси бўйича асосланган тавсиялар тайёрласин.

6. Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов), «Ўзстандарт» агентлиги (А.Абдувалиев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

республикада болалар спорти объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис тўпларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун уларни ишлаб чиқаришни 2010 йилнинг 1 сентябригача йўлга қўйиш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарларини чакана савдо тармоқлари орқали аҳолига сотишни ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари, жумладан, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бутловчи қисмлар сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назоратни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин.

7. Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда болалар спортини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамиятини, Ўзбекистон ёшларининг спортдаги ютуқларини, болаларнинг мусиқа ва санъат билан шуғулланишини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаевнинг 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очиловнинг 2010 йилга мўлжалланган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти объектлари қурилишини молиялаш жорий йилнинг 20 мартига қадар бошланиши тўғрисидаги ахбороти қабул қилинсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси уч кун муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағларни умумтаълим мактабларида барпо этиладиган спорт заллари қурилишига ҳамда алоҳида жойлашган янги болалар спорти объектлари сонини оптималлаштиришга устувор тарзда йўналтириш мақсадида 2010 йилга мўлжалланган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган болалар спорти объектлари рўйхатини вилоятлар кесимида яна бир бор танқидий кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азимов):

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатларининг ғазначилик ижроси механизмини 2010 йилнинг II чорагидан жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин;

2010 йилнинг ҳар бир чораги якуни бўйича Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий филиалларининг болалар спорти иншоотлари объектлари қурилишига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши ва харажатлар сметасига риоя қилишини текширишни амалга оширсин ва уларнинг натижалари бўйича жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига ахборот тақдим этсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов), Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2010 йилга мўлжалланган дастурида чуқур маъно-мазмун мужассамлигига, яъни болалар спорти объектларини қуриш билан бирга болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши ва уларни реконструкция қилишга ажратиладиган маблағларни сезиларли даражада кўпайтириш кўзда тутилганига, чунки баркамол авлодни тарбиялашда ушбу йўналишлар бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б.Хўжаев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастурга киритилган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий лойиҳалар асосида сифатли қурилиши ва ўз вақтида ишга туширилиши, уларнинг зарур анжомлар, инвентарлар ва мебеллар билан жиҳозланиши, профессионал кадрлар билан таъминланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ҳафта муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари параметрлари ҳамда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастур тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритсин;

ҳар чоракда ўз йиғилишларида болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича тасдиқланган аниқ манзилли дастурлар ижросини кўриб чиқсин, уларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

# МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ ВАЗИФАМИЗДИР

### дея таъкидланди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг семинарида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Семинарда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси қонун ижодкорлик фаолиятининг асосий йўналишлари, қабул қилинган қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан бажарилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда фракциянинг фаоллигини таъминлаш ҳамда депутатларнинг сайлов округларида сайловчилар билан учрашувларини такомиллаштириш масалалари қизғин муҳокама қилинди. Мазкур масалалар юзасидан фракция аъзолари Қ.Жўраев, Х.Маматов ва О.Ахуновалар маъруза қилдилар. Маърузачилар таъкидлаганидек, аввало, фракция Юртбошимизнинг юқорида номи зикр этилган маърузаларидан, қолаверса, ўзининг сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, халқ турмуш даражаси ва сифатини ошириш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги кўпгина муаммоларни ижобий ҳал этиш бўйича фаолиятининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиши зарур.

Айни пайтда фракциянинг узоқ муддатга мўлжалланган иш режаси ишлаб чиқилган. Унда амалдаги қонунларнинг сифатини тубдан яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар, қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлашда депутатлик назоратини кучайтириш, парламент сўрови ва парламент эшитувларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, фракция депутатлари сайланган ўз округларидаги тизимли ишлари сифатини тубдан яхшилаш каби долзарб масалалар ўрин олган.

Шунингдек, фракция партия дастури ва ғояларидан келиб чиққан ҳолда, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда жамоат бирлашмалари, энг аввало, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазасини яхшилаш мақсадида касаба уюшмалари фаолиятини янада жонлантириш, хўжалик юритувчи субъектларда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини ошириш, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш каби ўнлаб ижтимоий соҳани тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва парламент томонидан қабул қилинишига эришишни асосий вазифалардан этиб белгилаб олган.

Музокараларда сўзга чиққан депутатлар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг янада жадаллашувига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир партия аъзосининг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Президентимизнинг юқорида тилга олинган маърузасида белгилаб берилган стратегик вазифаларни бекаму-кўст адо этишда партия фаоллари ва фракция аъзоларини ташаббускорликка, фидойиликка чорлади.

Семинарда билдирилган фикр, таклиф ва тавсияларга асосланиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси:

— мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган дастурни изчиллик билан амалга ошириб боришни;

— фракциянинг ҳар бир аъзоси иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган, аҳоли ижтимоий қатламлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда фаоллик кўрсатишни;

— партия дастурий мақсад-вазифалари ва фракция иш режасидан келиб чиқиб, давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботларини мунтазам эшитиб боришни;

— ижро ҳокимияти раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг улар бевосита масъул бўлган соҳаларда, хусусан, ижтимоий соҳада Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда Давлат дастурларининг қандай бажарилаётганлиги бўйича ахборотларини тинглашни кенг жорий қилишни;

— фракция аъзоларининг ўз округларида сайловчилар билан учрашувларини мунтазам ўтказиб туришлари, бундай учрашувлар вақтида қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганлигига, хўжалик юритиш амалиётида қандай қонунларга эҳтиёж борлигига, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётганлигига ва уни ҳал этиш учун нималар қилиш лозимлигига жиддий эътибор қаратишни ўз фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олди.

Дарвоқе, ишонч — юксак масъулият. Шундай экан, уни оқлаш учун фракция аъзолари халқимиз, қолаверса, ўз сайловчилари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда масъулиятни ўз зиммасига олмоқда. Негаки, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Бугунги кунда элюртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислоҳотлар тақдири учун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишончни оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир».

**Д. ЖУМАНИЁЗОВА,**
**«Adolat» мухбири.**

# ЯНГИ ДАВР ЯНГИЧА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

— Парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайловларда бир қадар ижобий натижаларга эриша олдик, — дейилди маърузада. — Агар 2004 йилги сайловда вилоятимиздан Парламентнинг қуйи палатасига 2 нафар, вилоят Кенгашига 5 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 6 нафар депутат сайланган бўлса, ўтган йили эса Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 1 нафар, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 3 нафар, туман Кенгашларига эса 25 нафар депутатлар сайланди.

Умумий ҳисобда 2004 йилда партиядан 13 нафар депутат рўйхатга олинган бўлса, ўтган йили бу рақам икки баробар зиёдроқ, аниқроғи, 29 нафарни ташкил этди. Аммо бу кўрсаткич бизни қониқтирмайди, албатта. Чунки, имкониятлардан етарлича фойдалана олмадик. Эндиги вазифамиз — йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, уни бартараф қилиш чораларини кўрмоғимиз керак.

Ҳозир вилоятда партиянинг 6048 нафар аъзоси 204 та бошланғич ташкилотга бирлашиб фаолият юритмоқда. Аъзоларнинг салкам 3080 нафарини хотин-қизлар, 500 нафардан зиёдини ёшлар ва 2 мингдан ортиғини зиёлилар ташкил этади. Демак, партия яхшигина салоҳиятга эга ва қатор амалий ишларга ҳам қодир.

Вилоятда «Адолат» СДП сафлари кундан-кунга эл-юрт ишига садоқатли, фидойи, партиянинг ғоя ва мақсадларига қатъий ишонган ватандошларимиз ҳисобига кенгаймоқда. Бу эса фаолият йўналишларини тубдан янгилаш, ишни замон талаблари асосида қайта ташкил қилишни тақозо қилаяпти. Бунинг учун партиянинг жойлардаги барча ташкилотлари ва уларнинг етакчилари алоҳида жонбозлик кўрсатишлар керак бўлади.

Пленумда ўтган сайловларда бир қадар ижобий натижаларга эришган Китоб, Муборак партия Кенгашлари фаолияти ибрат қилиб кўрсатилди. Ғузор, Қарши, Нишон, Миришкор туман Кенгашлари эса партия фаоллари билан етарлича иш олиб бормаётганлиги, катта кучга, салоҳиятга эга бўла туриб, мавжуд имкониятлардан етарли фойдалана олмаётганлиги қаттиқ танқид қилинди. Анжуманда, шунингдек, партияга аъзолик бадалларини тўлашда, бошланғич партия ташкилотлари сонини кўпайтириш ва аъзолар сафини кенгайтиришда ҳам айрим туман ташкилотлари фаолиятида оқсоқлик сезилаётганлиги айтиб ўтилди.

Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, демократик ислоҳотларни янада кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — сиёсий партиялардан ташаббускорликни, жамият ҳаётидаги муммоларга нисбатан ҳозиржавобликни талаб этмоқда. Бу борада Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сиёсий партиялар ҳақида билдирган: «Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш даркор» деган фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз маърузасида қайд этилганидек, янги давр сиёсий партиялардан катта ғайрат ва шижоатли фаолият талаб этмоқда. Пленумда партия ишини ана шу вазифалардан келиб чиқиб, унинг ғоя ва мақсади асосида амалий ишларни кучайтириш йўлида масъулият билан ёндашмоқ кераклиги бот-бот қайд этилди.

Пленумда шаҳар ва туман Кенгашларида партиявий фаолиятни жонлантиришнинг аниқ таъсирчан чоралари муҳокама этилиб, вилоятда «Адолат» СДПнинг жамиятдаги роли ва таъсирини кескин кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда сиёсий маданиятини юксалтириш энг муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш тўғрисида мулоҳаза юритдилар.

— Партия етакчилари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари Президентимизнинг Парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган дастурий кўрсатмаларни келгуси иш фаолиятлари асосига айлантиришлари лозим, — деди Китоб туман партия Кенгаши раиси ўринбосари Хосият Жабборова. — Шу билан бирга, барча туман ва шаҳар партия ташкилотлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан олиб бориладиган ишларни ташкиллаштириш юзасидан 2010 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурини ҳам ишлаб чиқишимиз керак.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ғузор, Нишон, Қарши туман партия Кенгашларига янги етакчилар сайланди. Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

***

Фарғона вилояти партия кенгаши пленуми кун тартибида ҳам худди шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят партия кенгаши раиси Наримон Шодиев маъруза қилди.

— 2009 йил мамлакатимиз ҳаётида алоҳида из қолдирди, — деди маърузачи. — Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, инқирозга қарши чора-тадбирлар муваффақиятли амалга оширилиши баробарида, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юқори даражадаги уюшқоқлик билан ташкил этилди. Бугун эса сайлов жараёни ортда қолди. Эндиликда вилоят партия кенгаши олдида турган энг муҳим вазифа — сайловолди ҳаракат дастури ижросини собитқадамлик билан таъминлашдир. Муҳтарам Юртбошимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш даркор» деб олдимизга вазифа қўйилди. Бу эса вилоят Кенгашимизга улкан масъулият юклайди.

Шунингдек, кенгаш раиси маърузасида бўлиб ўтган сайловларда вилоят партия Кенгашининг иштироки қандай бўлди, кенгаш мавжуд куч ва имкониятлардан тўла фойдалана олдими, эришилган натижалар партия салоҳиятига мосми, сайловдан қандай хулосалар чиқариш зарур, деган саволлар танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига вилоятдан кўрсатилган номзодларнинг биронтаси ҳам ютиб чиқа олмаган бўлса-да уларнинг 6 нафари Халқ депутатлари вилоят Кенгашига, 20 нафари туман Кенгашларига, 16 нафари эса шаҳар Кенгашларига рўйхатга олинди. Бу натижа эса вилоят партия Кенгашини қониқтирмаслиги аниқ. Бундай масъулиятли вазифага вилоят Кенгаши таркибидаги партия ташкилотлари бирдек ёндашмаганлиги айрим туман ва шаҳар Кенгашлари номзодлар заҳирасини яратиш ҳамда улар билан иш олиб боришда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги оқибатидир.

Пленумда ушбу ҳолат сабаблари таҳлил этилар экан, бу борада айрим туман ва шаҳар партия ташкилотлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар қайд қилинди.

— Партиямизнинг сайловолди дастурида фаолият йўналишимиз, мақсад ва ғояларимиз аниқ белгилаб берилди, — деди Фарғона шаҳар партия Кенгаши раиси Ш.Аҳмедова. — Айниқса, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида билдирилган ҳар бир фикр ва тавсиялар фаолият йўналишимизни амалга оширишда дастуриламал саналади. Биз аввало, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўя олсак, фаолиятимизга ижобий натижа беради. Айниқса, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган партиянинг махсус иш режасини амалга оширишимизда ҳам яхши самара бериши, шубҳасиз.

Анжуманда шунингдек, вилоят Кенгаши депутати Ш.Султонов, Марғилон шаҳар партия Кенгаши раиси Э.Ғофуров, Қувасой шаҳар «Ёш адолатчилар» кенгаши етакчиси М.Абдулазизовалар сўзга чиқиб, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятининг 2010 йилги асосий йўналишлари хусусида тўхталиб ўтдилар.

Ўз-ўзини танқид руҳида ўтган вилоят пленумининг кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам чуқур таҳлил қилиниб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***

Худди шундай пленумлар Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган вилоятлари партия Кенгашларида ҳам бўлиб ўтди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
**Комил САХАТОВ,**
**«Adolat» мухбирлари.**

# «ЁШ АДОЛАТЧИЛАР»

### билан давра суҳбати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ёшлар масаласига доимо муҳим вазифа сифатида қараб келмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида партия томонидан муайян ишлар олиб борилаяптики, буни жойларда уюштирилаётган турли тадбирлардан ҳам билиш мумкин.

— Модомики, адолатли жамият барпо этиш ҳаракатида эканмиз, аввало, ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигига эътибор қаратиш зарур, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров. — Ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлод тарбияси келажагимизни белгилайди. Шу боис, муҳтарам Юртбошимиз раҳнолигида мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси, ёшларни маънан ва жисмонан етук бўлиб вояга етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган...

Давра суҳбати иштирокчилари айни шу мавзуда қизғин мулоҳаза юритиб, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ёшлар иштирокини янада кенгайтиришга доир долзарб вазифаларни муҳокама этдилар. Шу билан бирга «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан муҳим йўналиш сифатида ўрин олган малакали ёш кадрларни тайёрлаш, танлаш ва уларни иш билан таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби масалалар самарали ечимига оид таклиф ва тавсиялар билдиришди.

«Адолат» СДП вилоят Кенгаши ташаббуси билан «Истеъдод» клуби ташкил қилинган эди. Унда ёшларимиз ўз салоҳиятини тўла намойиш этиш имконига эга бўлишаяпти. Айтиш керакки, бу клубга бугунги кунда вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқлари ёшлари, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари аъзо бўлишаяпти. Улар эндиликда клуб қошида очилган «Интелект-Лобар» ўқув марказида профессионал копьютер дизайнерлиги ва Европа ҳамда Шарқ тилларини ўрганиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Бугина эмас: клуб аъзолари ўз ҳоҳиш ва истакларидан келиб чиқиб, бу ерда сиёсий-иқтисодий билимларни ҳам эгаллашлари мумкин.

**Муродулла ҒАФУРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

▽ Жараён

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Бухоро шаҳридаги Иқтисодиёт ва банк коллежида Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппарати ва Бухоро вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаси мазмун-моҳияти ҳамда Баркамол авлод йилида «Адолат» СДПнинг устувор вазифалари» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Тадбирда Олий Мажлис депутатлари, партия фаоллари, олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари ёшлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва туман, шаҳар партия Кенгашлари етакчилари иштирок этди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Ботирова сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг қўшма мажлисдаги маърузаларида айтилган танқидий-таҳлилий фикрлар ҳақида атрофлича сўз юритди.

Мамлакатни модернизация қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш, депутатлар ташаббускорлиги, қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлаш муҳим масала эканлиги таъкидланди. Шунингдек, маърузачи «Адолат» СДПнинг мақсад ва ғояларини тарғибот-ташвиқот қилиш, қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш каби амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳақида атрофлича тўхталди.

Тадбирда шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари фаоллигини ошириш борасида ўзаро фикрлар алмашинилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадбирда Вобкент тумани партия Кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати Мақсуд Ҳамидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исомиддин Жумаев ва бошқа иштирокчилар ҳам сўзга чиқиб, бу борада ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**«Adolat» мухбири.**

# ФАЗИЛАТЛИ ЮРТ, ХАЛҚ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Зеро, юртимиз осмонида истиқлол эпкинлари эса бошлаган илк кунларданоқ мамлакатимизда мустақиллик ғоясининг энг устувор тушунчаларидан бири ҳам — ана шу авлод — комил инсон тарбияси бўлди. Бу тушунча — ҳам миллий, ҳам умуминсоний, умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотни фақат ва фақат эзгуликка ундайдиган энг олийжаноб ғоядир. Бу ғоя — бу кун юртимизда фарзанд тарбия топаётган ҳар бир хонадонда уфуриб, ўғил-қиз, невара-чевара ўстираётган ҳар бир ота-она қалбида маскан топган. Соддароқ, лекин том маънода айтганда, бу ғоя — мустақиллик йиллари мамлакатимизда давлат сиёсати мақомини олиб, энг устувор йўналишдаги давлат ишларидан бирига айланди.

Айниқса, юртимизда ҳар бир йилга ном бериш таомили анъанага айлангач, баркамол авлод тарбияси моҳиятан янада устуворлик касб этиб, мамлакатимиз азалдан фазилатли юрт, эл-улусимиз азалдан фазилатли халқ эканлигини жаҳонга яна бир бор ёркин намоён этди: 2000 йил — Соғлом авлод йили, 2008 йил — Ёшлар йили, 2010 йил — Баркамол авлод йили...

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги нишонланган кунларнинг эртасигаёқ (2009 йил, 9 декабрда) Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилиниб, 2010 йилда бу борада амалга ошириладиган вазифаларнинг кенг кўламли йўналишлари белгилаб берилди. 2010 йилнинг 27 январидаги қарорига мувофиқ эса «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тасдиқланди. 11 бўлим ва 101 банддан иборат мазкур дастурда амалга ошириладиган ишлар, қуриладиган чора-тадбирлар, молиявий манбалар, сарф-харажатлар миқдори, ижро муддатлари ва масъул ижрочилар, мутасаддилар аниқ белгилаб қўйилди. Масалан, жами харажатлар миқдори 7898,03 миллиард сўм ва 165,43 миллион доллар қилиб белгиланди. Бунинг 176,52 миллиард сўми ва АҚШ доллари эквивалентида 4,96 миллион доллари бюджет маблағлари бўлиб, 2742,2 миллиард сўми ва АҚШ доллари эквивалентида 17,98 миллион доллари бажарувчиларнинг маблағлари бўлиши кўзда тутилди. Банклар кредитлари — 3324,8 миллиард сўм ва АҚШ доллари эквивалентида 61,41 миллион доллар, ҳомийлар маблағи 69,49 миллиард сўм ҳамда АҚШ доллари эквивалентида 3,73 миллион долларни ташкил этиши белгиланди. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари 75,0 миллион, грантлар улуши 2,35 миллион доллар атрофида ҳисоб-китоб қилинди.

Кўраяпсизки, келажак пойдевори — ёшлар камоли йўлида бунча миқдордаги сарф-харажат унча-мунча ва ҳатто энг ривожланган мамлакатларнинг ҳам барчасининг қўлидан келавермайди. Дастурнинг биргина қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши белгиланган бандларига назар солинг: 2010-2011 ўқув йили бошлангунча Наманган шаҳрининг ўзида 9900 нафар ўқувчи ўринли 14 та умумтаълим мактаби, 1350 нафар ўқувчи ўринли 4 та академик лицей, 23240 ўринли 41 та касб-ҳунар коллежи ва улар учун 12640 ўринли 99 та ётоқхона қуриб ишга туширилиши, реконструкция қилиниши кўзда тутилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 900 миллион сўмлик ҳажмдаги 3200 нафар талабага мўлжалланган янги ўқув корпуси қурилиши тугалланиб, уни тўла жиҳозлаш ишлари поёнига етказилади. Тошкент молия институтида 3500 ўринли ўқув корпуслари бинолари реконструкция қилинади. Термиз давлат университетида 2300 ўринли янги ўқув мажмуасининг иккинчи навбати бунёд этилади. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали қурилиши бошланиб, Қарши давлат университети ўқув корпуслари реконструкциядан чиқади. Шунингдек, барча олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда янгидан қуриладиган объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишлари амалга оширилади. Жумладан, 150 та касб-ҳунар коллежида «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш», 5 та касб-ҳунар коллежида «Бешта касб-ҳунар коллежи қуриш ва уларни жиҳозлаш» каби лойиҳалар доирасида қидирув ишлари олиб борилади.

Дастурнинг VI-бобида белгиланганидек, ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш борасида болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш мақсадида 2010-2011 йилларда «Баркамол авлод-2011» спорт мусобақаларини ўтказиш учун Термиз шаҳрида спорт объектлари қурилиши авж олдирилади. Мамлакат бўйлаб болалар спортининг 13 та спорт объектлари, умумтаълим мактабларининг 42 та спорт заллари қурилиб, реконструкциядан чиқарилади. Наманганда ёпиқ бассейн ва спорт залини ўз ичига олган спорт мажмуаси, Навоийда кураш бўйича ихтисослаштирилган вилоят спорт мактаби, Қўқонда очиқ теннис корти, баулинг маркази, шахмат клуби шу йилнинг тўртинчи чорагига борибоқ фойдаланишга топширилади. Эҳ-ҳе, уларни санаб адоғига етмайсан киши.

Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш (дастурнинг IX-бобида) алоҳида диққат марказига олинган. Масалан, Марказий банк, «Қишлоққурилишбанк», «Ипотекабанк» сингари тижорат банклари томонидан 115.000,0 миллион сўм маблағ ажратилиб, никоҳда туришганига камида 3 йил бўлган ёш оилалар уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар билан таъминланади. 2010-2011 йиллар мобайнида Нукусда, ҳар бир вилоят марказида ва Тошкент шаҳрининг ҳар бирида фойдаланилмаётган бинолар, ётоқхоналар ҳамда бўш турган хоналар базасида ёш оилаларга (кейинчалик сотиб олган ҳолда) 32 тадан квартира ижарага берилиши ташкил этилади. ФХДЁ органларини ривожлантириш тадбирлари режасини амалга оширишни давом эттириш доирасида республика минтақаларида 42 та «Бахт уйи» замонавий мажмуалари бунёд топади. Республиканинг ҳар бир туманида камида 50 та кам таъминланган ёш оилаларга бир бошдан қорамол бепул берилиши амалга оширилади.

Булargина эмас, дастурнинг Х-бобида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик ва ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли, миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсирлари ва таҳдидларидан муҳофаза қилиш мақсадида, ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун янгидан маданият уйлари, истироҳат боғлари, кинотеатрлар, аттракционлар қуриб ишга туширилади ва олдиндан фаолият юритиб келганлари замонавий реконструкциядан чиқарилади. Улар орасида Тахтакўпир маданият уйи, Косондаги «Нурафшон» кинотеатри, Намангандаги «Бобур», Нукус, Беруний, Пастдарғом маданият ва истироҳат боғлари сингари ўнлаб объектлар борки, ҳаммаси фазилатли юртимиз ва фазилатли халқимизнинг етишиб келаётган баркамол авлодлари хизматида бўлади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир тумани ва шаҳрида ишлаб турган халқ таълими мактабдан ташқари муассасалари, клуб-маданият муассасалари базасида замонавий ҳамда зарур ускуналар билан жиҳозланган «Баркамол авлод маркази» ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқишга ҳам киришилади. 2015 йилга қадар ҳар бир маҳалла, даҳа ва микроҳудудларда болалар майдончалари ташкил этиш таъминланиб, уларда кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади, «Энг яхши болалар майдончаси» танловлари ўтказилади...

...Санаб ўтилган бу ишларнинг ҳаммаси «Баркамол авлод» дастурида фақат қуриш, яратиш, бунёд этиш борасидагина кўзда тутилган вазифалардир, холос. Қолаверса, ушбу мақолада биз уларнинг барчасини ҳам ҳали қамраб ололмадик. Зеро, улар шу қадар салмоқли, залворли ва кўламлики, уч-тўрт қоғозлик материалда тўла ифодалаб бериш анча мушкул.

Юртимиз, халқимиз ва ҳукуматимиз давлатимиз раҳбари раҳнамолигида шу юрт, шу халқ фарзандлари учун қилаётган, режалаётган барча ғамхўрлик намуналарини том маънода тасаввур қилар экансиз, беихтиёр, ўзбек халқининг болажонлиги қон-қонига сингиб кетганлигини ўйлайсиз. Шарқ оламида иккинчи муаллим (муаллими соний) номи билан машҳур улуғ аллома Абу Наср Фаробийнинг биз — фазилатли юрт, фазилатли халқмиз талқинида айтган ҳикматларини ва Юртбошимизнинг **«... биз ана шу авлод учун яшаяпмиз»** деган пурҳикмат сўзларини ёдга оласиз.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

## ▽ Ислоҳот ва самара

# БОЁВУТГА БОРАР БЎЛСАНГИЗ

### амалга оширилган улкан ўзгаришлар ва янгиликларга гувоҳ бўласиз

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятининг олис туманларидан бири — Боёвутда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларданоқ аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, замон талаблари асосида ижтимоий соҳа объектлари бунёд этиш ва бу орқали турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, марказдан анчайин олисда жойлашган қишлоқларда қурилиб фойдаланишга топширилган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бинолари аҳолини иш билан таъминланишига хизмат қилиш билан бирга қишлоқлар кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда.**

Биргина ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастури ижроси доирасида 9055 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилиб, унинг 6779 миллион сўми ижтимоий соҳа объектлари қурилишига сарфланди. Жумладан, 400 ўринли касб-ҳунар коллежи ва 1 та умумтаълим мактаби янгидан қурилди, тумандаги санъат мактаби, 11 та умумтаълим мактаби реконструкция қилинди, 5 та мактаб капитал таъмирланди, қишлоқ жойлардаги 4 та қишлоқ врачлик пункти электр двигатель билан таъминланди. Бундан ташқари, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 121 миллион сўм миқдоридаги маблағ эвазига 13 та маҳалладаги ичимлик суви қувурлари яхшиланди, 2 та янги қудуқ ковланди, 17 та сув насоси алмаштирилди. 140 та кам таъминланган оилаларга ҳомийлар кўмагида (28,7 млн сўм) қорамол сотиб олиб берилди, 4882 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Қувонарлиси, ўқишни битирган 815 нафар коллеж ўқувчилари ва 120 нафар муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар ишга жойлаштирилди.

Туман марказидан анча олисда жойлашган 1-Боёвут ҚФЙ ҳудудидаги пахта тозалаш заводи ҳам ўтган йилда тўлиқ реконструкция қилингани маҳсулот сифатининг яхшиланиши билан бирга қишлоқ аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлашга ҳисса қўшди. Айни пайтда корхона билан шартнома асосида 36 нафар касаначи фаолият юритмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги ва арзонлиги билан харидоргир. Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда пахта тозалаш корхонаси қошида 10 минг сонли паррандачилик фабрикаси қурилиши ишлари бошлаб юборилди. Тез кунларда ишга туширилиши режалаштирилаётган бу жойда эндиликда янги иш ўринлари ташкил этилади. Қолаверса, туман аҳолисининг парранда гўшти, тухум каби маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи тўла қопланади.

Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун 9 та маҳалла ва 14 та мактабда 23 та янги спорт иншооти ва заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда минг-минглаб ёшлар ўзлари севган спорт турлари бўйича машғулотлар олиб бормоқда.

Яна бир янгилик: 3-Боёвут ҳудудида аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш ва истеъмол бозорида нарх-навони бир маромда ушлаб туриш мақсадида «Зукко зиё лочин» ва «Авазбек Асадбек» номли хусусий фирмаларида гўшт ва гўшт, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундайин улкан бунёдкорлик ишларининг бевосита гувоҳи бўлаётган боёвутликларнинг аҳоли фаровонлиги йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан кўнгли тўқ, келажакка ишончи юксак.

Жорий 2010 йил — Баркамол авлод йилида ҳам амалга оширилиши шарт бўлган вазифаларни белгилаб олган боёвутликлар нафис кўкламнинг азиз байрами Наврўзи оламни ана шундай муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**



*Бу йилги қишги тайёргарлик ишларини "Қашқадарё электр тармоқлари" очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўз вақтида амалга оширди. Жорий йилда қарийб 414,5 километр ҳаво линиялари тўлиқ таъмирланди, 41 трансформатор ўрнатилди, 14 километр ҳаво линиясининг симлари алмаштирилди.*

*Қарши шаҳридаги 30 та кўп қаватли уйнинг электр шитлари тўлиқ таъмирланиб, ўта кучланиш билан ишлаб турган саккизта трансформатор алмаштирилди. Шунингдек, 30 мактаб, 19 болалар боғчаси ва 4 шифохонадаги электр энергияси билан таъминловчи трансформаторлар созланди.*

**Суратда:** жамият ишлаб чиқариш техник хизмати бошлиғи Шоназар Худоёров (чапдан иккинчи) навбатчи электр монтёр Ринат Жефаров, электр чилангарлар Эркин Бўронов, Шерзод Жумаев иш устида.

## ▽ Фаолият

# ЖАҲОН БИЗНИ ТАНИЙДИ

Мамлакатимиз илк бор мустақилликка қадам қўйган йиллардан бошлаб, ички ва ташқи (жаҳон) бозорларга сифатли, яъни инсон ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига хавф туғдирмайдиган, шунингдек, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва улар рақобатбардошлигини ошириш, ўз навбатида халқаро стандартлар талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш масалалари республикамиз иқтисодиёти ривожининг муҳим омилларидан бири сифатида намоён бўлди.

Республика ва унинг ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари ҳам бу борада «Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Метрология тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги ҳамда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда Республика маркази таркибида 17 та ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари мавжуд бўлиб, уларда 900 дан ортиқ малакали ходимлар фаолият кўрсатиб келаётир. Юқоридаги қонунларнинг корхоналар, тадбиркорлар ва бошқа тегишли субъектларда бажарилишида тизим томонидан метрологик хизматлар, синов ва сертификатлаштириш, халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш йўналишлари бўйича кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.

Соҳага янги замонавий синов лабораториялари жалб этилиб, мавжуд синаш ва ўлчаш воситаларини босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида хизмат турларимиз кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2009 йилда метрология лабораторияларига 78 дона намунавий ўлчаш воситалари ва маҳсулотларни синаш лабораторияларига 76 дона замонавий ускуналар харид қилинди. Сервис хизматларини ташкил этиш орқали замонавий услубда хизмат кўрсатиш мақсадида ҳар бир марказ махсус автотранспорт воситаси билан таъминланиб, корхоналар, тадбиркорлар ва аҳоли турар жойларига бориб ўлчаш воситаларини қиёслаш ва сертификатлаштириш соҳасида агентлик хизматларини кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча йўналишлар фаолиятини меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида олиб бориш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Ҳар йили 200 дан ортиқ тизим ходимлари Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида ўз малакаларини ошириб келишмоқда. Сўнгги 2 йил давомида 30 га яқин мутахассисларимиз чет давлатларда тажриба орттириб қайтдилар.

Ҳозирги кунда асосий эътибор — юртимиз корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ сифат тизимларини жорий қилиш ишларига қаратилган. 2009 йил давомида Республика ва унинг худудий марказлари мутахассислари томонидан мамлакатимизнинг 23 та корхонасида сифат тизимларини жорий қилиш ишлари якунланди ва муваффақиятли сертификатлаштирилди. Натижада ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги янада ортиб, жаҳон бозорларига кенг йўл очилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қарорнинг 2-иловасига киритилган вазирликлар, уюшмалар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда 261 та корхона ва ташкилотларда 2011 йилнинг 1 январига қадар халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини босқичма-босқич жорий этиш дастурлари тузилди.

Ушбу қарор моҳияти ва мақсадларини кенг оммага етказиш, корхона ва ташкилотларни менежмент тизимларини жорий этиш юзасидан марказ мутахассислари томонидан "ИСО 9000 серияли стандартлар ҳақида тушунча" мавзусида 45 дан ортиқ семинарлар ўтказилган бўлса, "ИСО 9001:2000 стандарти талаблари асосида сифат тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиш" ва «ИСО 19011:2002 халқаро стандартлари асосида сифат менежмент тизими ички аудиторларини ташкиллаштириш ва ўтказиш" мавзусида 31 та ўқув курси ўтказилиб, унда турли корхоналарнинг 500 дан ортиқ мутахассислари малака оширдилар.

**Ж.ПЎЛАТОВ,**
**Республика Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори.**

t

## ▽ Янгилик

# СОЛИҚ ТИЗИМИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш бугунги кунда барча учун қулай бўлиб, у солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Ушбу жараёнда солиқ сири таъминланиб, истеъмолчи ва солиқ хизмати ўртасида ўзаро электрон алоқа йўлга қўйилди. Эндиликда солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар интернет тармоғида солиқ хизматининг расмий ахборот сайтида амалга оширилаяпти. Бу эса, ўз навбатида, солиқ тўловчилар учун жуда қулай бўлиб, ортиқча вақт ва сарф-харажатларнинг олдини олиш имконини беради. Бугунги кунда интерактив хизматларнинг тури кўп бўлиб, уларнинг асосан 5 йўналиши муҳим аҳамият касб этади. Биринчи йўналиш — солиқ тўлашнинг меъёрий-ҳуқуқий актлари бўйича ахборот тақдим қилишдан иборат бўлиб, маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси расмий сайтида қабул қилинади ва тарқатилади. Иккинчи йўналиш — солиқ тўловчи субъектларни интернет орқали рўйхатга олиш ва уларга солиқ тўловчининг шахсий рақами (ИНН)ни бериш хизматидан иборат. Учинчи йўналиш — мазкур хизмат давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳисоб-китоб ҳужжатларини тузишда вақтни тежаш ва ҳисобларни баҳолашда объектив ёндашувни таъминлайди. Бу ташкилотларнинг қарзларини вақтида тўлашга ёрдам беради. Тўртинчи йўналиш — назорат қилувчи ташкилотларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устидан текширувларини рўйхатга олиш ва бу ҳақда маълумот беришдан иборат.

Сўнгги бешинчи йўналиш — электрон тарзда солиқ ҳисоботларини қабул қилиш ва қайта ишлаш интерактив хизматидир.

Ахборот технологиялари асрида компьютер технологиялари жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўлланилиб, уларнинг самараси нафақат инсон турмуш тарзи, балки унинг касбий фаолиятида ҳам ижобий натижалар беради.

**Гўзал АБДУМУТАЛОВА,**
**Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи ўқитувчиси.**

## ▽ Ёнғин — тилсиз ёв

# ОЛОВ ИНСОН ДЎСТИ-Ю,

### аммо ундан эҳтиёт ҳам бўлмоқ жоиз

Қадимдан олов инсонларнинг дўсти ва ёрдамчиси бўлиб келган. Аммо ундан нотўғри фойдаланиш катта миқдорда зарар, оғир оқибат ёки тузатиб бўлмас асоратлар келтириб чиқаришини ҳам билиб қўймоқ жоиз. 2010 йилнинг ўтган икки ой якунига кўра, Тошкент шаҳрида 169 та ёнғин ҳисобга олинган бўлиб, шундан 76 таси шахсий уйларда содир бўлган. Бу ёнғинлар туфайли 13654524 сўм миқдорида моддий зарар кўрилган. Шунингдек, 7 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмган ва 11 нафар фуқаро турли даражадаги куйиш тан жароҳати олган.

Шу боиски, ёнғиннинг олдини олиш учун фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишлари лозим. Жумладан, маҳаллаларда бинолар, уйлар ҳамда шахсий хонадонлар атрофида ахлат чиқиндилари ва шох-шаббалар ёқилишига йўл қўймаслик керак. Уйдан қисқа вақтга чиқиладиган бўлса ҳам электр ва газ воситаларини ўчириш, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик, улар қўлига гугурт бермаслик тавсия этилади. Хусусан, газ ўчоқлари жойини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, улар устига ювилган кирларни қуритиш учун осиб қўйиш қатъиян таъқиқланади. Ёқиб қўйилган электр иситиш асбоблари электр дазмол, плита ва телевизорларни қаровсиз қолдирмаслик даркор. Айрим кашандаларга одат бўлган ҳол — ўриндиқда ётиб чекишларига йўл қўймасликни маслаҳат берамиз.

Ўйлаймизки, бизнинг бу тавсияларимиз ва талабларимизга риоя қилган ҳар бир инсон ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам ҳаётини, мол-мулкини сақлаш ишига катта ҳисса қўшган бўладилар. Эслатиб ўтамиз, ёнғин ҳақида бирон бир хавф-хатар сезилса, дарҳол 01 телефон рақамига қўнғироқ қилинг.

**Ф.ҲУСАНОВ,**
**Тошкент шаҳар 12-Ҳарбийлашган ЁХОнинг алоҳида пости инспектори, капитан.**

## ДУНЁ КЎЗГУСИ

### МАҲСУЛОТЛАР ҚОЛДИҚЛАРИДАН ЁҚИЛҒИ

*Японияда чиқиндидан ёқилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уни тайёрлашда озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиқларидан фойдаланилади. Қолдиқлар герметик идишга солиниб, устидан сув қуйилади. Сўнг босим оширилиб, 200 даражагача қиздирилади. Ярим соатлик ишлов жараёни натижасида торфга ўхшаган ёнувчан модда ҳосил бўлади.*

*Мутахассисларнинг айтишича, бир тонна ана шундай чиқиндидан тўрт юз килограммгача ёқилғи тайёрлаш мумкин. Янги турдаги ёқилғининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳавога заҳарли газни нисбатан кам чиқаради.*

***

*Япония олимлари электр таъминоти тизимини мустақил бошқара оладиган турар-жой биноси лойиҳасини яратдилар. «Экологик тоза» уй томига қуёш нуридан*



*энергия оладиган панеллар ва энергия тўплагич ўрнатилади. Йилнинг қайси мавсуми бўлишидан қатъи назар, электрон асбоблар бинони зарур миқдордаги иссиқлик ва ёруғлик билан таъминлаб туради.*

### САМОЛЁТЛАР РЕКОРДИ




*Европанинг самолёт ишлаб чиқарувчи "Airbus" компаниясига 2009 йилнинг мартига қадар 11 та, АҚШнинг "Boeing" компаниясига 57 та буюртма тушган.*

*"Airbus" вакилининг айтишича, ўтган йили "Airbus" 310 та, "Boeing" 263 та сотилган. Самолётсозлик бўйича икки компания ўтган асрнинг 90 йилларидан дунё бозорида рақобат қилиб келади. Ҳозирда "Airbus" самолётларига талаб "Boeing"га нисбатан ортиб бормоқда.*

### ҚАДИМИЙ КУМУШ ТАНГАЛАР ТОПИЛДИ

*Сурия шимолидаги Ҳалаб туманида Искандар Зулқарнайн даврига оид икки юз элликта кумуш танга топилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.*

*Маълумотларга кўра, хазина антиқа тасодиф туфайли қўлга киритилган. Айтишларича, маҳаллий аҳоли вакилларидан бири янги уйига пойдевор қазиётганда тангаларга дуч келган.*

### ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛИ «НАНО-ИВ»



*Ҳиндистоннинг «Тата моторз» корпорацияси электр двигателли «Нано-ИВ» русумли машина ишлаб чиқара бошлади.*

*Корпорация вице-президенти Рави Кантнинг сўзларига қараганда, автомобиль соатига 105 километр тезлик билан ҳаракатлана олади. У 120 минг рупияга (2,5 минг АҚШ долларига) баҳоланмоқда.*

**Интернет хабарлари асосида Н.ШОМУРОДОВ тайёрлади.**

*Дил изҳори*

# ЁШ МУСИҚАШУНОСЛАР ЮТУҒИ

Газетамиз саҳифаланаётганида таҳририятимизга қўнғироқ бўлди: «Мен пойтахтимиздаги Глиэр номли республика махсус мусиқага ихтисослашган академик лицей ўқитувчиси Бахтиёр Зияевман, — деб таништирди у киши ўзини. — 10 март куни Оқсаройда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини кўриб, ўқиб ажиб бир ҳаяжон билан сизларга қўнғироқ қилаяпман.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда: **«Спорт билан мусиқа чамбарчас боғлиқдир. Спорт танани пишитади, чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Спорт — бу маданият демакдир. Спортчи мусиқани яхши билса, мусиқачи спорт билан шуғулланса, нақадар яхши»** – дедилар. Айни шу сўзлардан руҳланиб, академик лицейимиз ўқувчилари яқинда эришган ажойиб бир ютуқ ҳақида хабар бермоқчиман. Бу ютуқ, шубҳасиз, мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан болалар спорти ва болалар мусиқавий ижрочилигига берилаётган жуда катта эътибор самараси, — деб биламан.

— Раҳмат, — сўзини бўлдик унинг. — Қандай ютуқ ҳақида гапираяпсиз?

Шу йилнинг 11-22 февраль кунлари Санкт-Петербург (Россия Федерацияси) шаҳрида «Европага нигоҳ" номли V халқаро кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда МДҲ ва Европанинг бир қанча давлатлари қаторида Ўзбекистондан ҳам махсус мусиқа мактаблари жамоаси иштирок этишди.

Асосий йўналиш — халқ чолғу асбоблари йўналиши бўйича Глиэр номли Республика махсус мусиқага ихтисослашган академак лицейи ўқувчилари ғолибликни қўлга киритдилар.



1-ўринни мазкур лицейнинг 7-синф ўқувчиси Азиз Тешабоев (дутор) олди. 2-ўринни Муҳаммад Ражапов (най), 3-ўринни эса Сардор Ибрагимов (виолончель) ва Улуғбек Холиқовлар (эстрада хонандалик) эгаллашди.

Шунингдек, Самад Анваров (ғижжак), Санжар Раҳмоновлар (эстрада хонандалик) махсус диплом билан тақдирланди. Танловда "Энг яхши жўрнавоз" номинациясига Сурайё Тиллахўжаева лойиқ деб топилди...

— Эришган ютуқларимиз ва Юртбошимизнинг ўтган кунги йиғилишда ёш мусиқачилар шаънига айтган сўзлари ўқувчиларимизни янада юксакроқ ижод қилишга илҳомлантиради, — деди суҳбатдошимиз сўзи охирида. — Турли мусобақа, танловлар жамоамизнинг руҳига кўтаринки руҳ бағишлайди. Чунки бундай тадбирлар фаолиятимизнинг юзага чиқишига қулай имкониятлар яратади.

Ҳозир академик лицей жамоаси 30 апрель — 3 май кунлари Украинада бўлиб ўтадиган яна бир халқаро кўрик-танловга тайёргарлик кўришмоқда.

Ишонамизки, бу гал ҳам ҳамюртларимизга омад кулиб боқади.

**Юсуф ЗИЁДОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

**Суратда:** *Танлов ғолибларидан бир гуруҳи устозлари билан.*




*Саломатлик — юрт бойлиги*

# ТИББИЙ ХИЗМАТ

## даражаси ва сифати юксалишда

*Жондор туман тиббиёт бирлашмасида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 200 нафардан ортиқ аъзолари меҳнат қилади. Туман Кенгаши раиси Иззат Боймуродовнинг айтишича, кенгашда 250 нафар «Адолат»чи бўлиб, уларнинг аксарияти тиббиёт ходимлари, 3 нафари туман кенгаши депутати. Сафдошлар саъй-ҳаракати билан бирлашма туғруқ комплексига 80 миллион сўмлик IVENT ИВЛ аппаратлари олиб келинди. Шифокорлар чақалоқларни иситиш, пульсоксимер, наркоздрагер, УЗД, ФГСД, бронхоскоп, портатив рентгент аппаратларидан самарали фойдаланмоқдалар. Натижада туманда сўнгги пайтларда тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.*

Бугина эмас. Нафақат Жондорда, балки вилоятнинг Қоракўл, Олот туманлари тиббиёт бирлашмаларида ҳам замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланиш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, яқинда Қоракўл туман тиббиёт бирлашмасига Япония давлати элчихонаси гранти асосида 8 турда замонавий даволаш ускуналари олинди. Айниқса, УЗИ — портатив аппаратлари, ФГС — ошқозон ярасини даволаш ва диагностика қилиш аппарати, электрокоагулятор, автоклав, полинаркон, рақамли дастурли копилятор каби техника воситалари қўлланилаётгани эндиликда туманда беморларга вақтида сифатли ва тезкор тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Бугун бу ерда ўпка, жигар операциялари, қорин олди девори грижалари, ошқозон касалликларини даволаш учун узоққа бориб юриш шарт эмас.



Қолаверса, тумандаги «Миришкор», «Солур» ҚВПлари вилоятда модул тиббиёт масканлари ҳисобланиб, уларда ҳам кўплаб замонавий операциялар амалга оширилмоқда.

— Туманимиз чекка ҳудудда жойлашган бўлишига қарамай, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда вилоятга ёхуд марказга яқин бўлган туманлар тиббий масканларидан замонавий технологиялар билан таъминланиш ҳамда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳеч ҳам қолишмайди, — дейди Олот туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ўткир Азимов, — Яқинда терапия бўлими кенгайтирилиши муносабати билан 10 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар олдик. Бел чурралари ва буқоқ касаллигини даволашда ҳам янги ускуналар ёрдамида илғор даволаш услубларидан кенг фойдаланаяпмиз. «Саломатлик-2» дастури асосида даволаш, диагностика ва стерилизацияга мўлжалланган 10 дан ортиқ янги воситалар харид қилдик, «Дамас» ва «УАЗ» автоуловлари билан таъминландик...

Бир сўз билан айтганда, Бухоро вилояти туманларида аҳолига тиббий хизмат даражасини кўтариш борасида ибратли ишларга қўл урилди. Бу эса чекка туманлар қишлоқ ҳамда овулларида ҳам намунали тиббий хизматни таъминлашга кенг имкон бермоқда.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**«Adolat» мухбири.**

*Таълим*

# ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Мамлакатимиз жануби олис Сурхондарёнинг Денов туманидаги академик лицей жамоаси ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қувонарлиси, лицейни тугатган ёшларнинг асосий қисми нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Айни пайтда лицейда 66 нафар ўқитувчи ва мураббий 1008 нафар ўқувчига аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар ва хорижий филология фанлари бўйича таълим-тарбия бериб келмоқда.

— Ўқувчиларимизнинг дарсдан бўш вақтларини ҳам мазмунли ўтказишлари учун таълим даргоҳимизда барча шарт-шароит яратилган, — дейди академик лицей директори Олломурод Шаймардонов. — 43 та фан, 15 та спорт тўгараклари ишлаб турибди. Уларда малакали мураббийлар кўмагида ўқувчиларимиз ўзлари севган фан ва спорт турлари билан машғулотлар олиб боришмоқда.

Дарвоқе, лицей ўқувчилари вилоят ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган фан олимпиадалари ва спорт турнирларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётгани ўқув даргоҳи обрўсини янада оширишга хизмат қилиш билан бирга мураббий ва ўқитувчиларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини янада ошираётир. Бу ўз навбатида келажак авлод баркамоллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Эминжон ЮЛДАШЕВ,**
**«Adolat» мухбири.**

*Жаҳон жавоҳирлари жавонидан*

***Неким ўз қошингда эрур нораво,***
***Улусқа они кўрма асло раво.***

Алишер Навоий.

*Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу сизнинг биринчи бурчингиз.*

Жан Жак Руссо.

***Кишига туғилган жойига қараб эмас, унинг маънавий қиёфасига, қайси юртданлигига қараб эмас, қандай нуқтаи назар билан яшашга жазм қилганига қараб баҳо берилади.***

Апулей.

***Ким ҳеч кимни севмаса, менимча уни ҳам ҳеч ким севмайди.***

Демокрит.

***Ҳар бир киши — бутун бир китобдир, ҳамма гап уни ўқий олишда.***

Уильям Ченнинг.

***Одамлар билан эллашиш ва уларга ёқимли бўлиш учун ақлдан кўра қалб кўпроқ фойда беради.***

Жан Лабрюйер.

*Ўқинг, бу қизиқ!*

### Янги турдаги газлама

*Жоржия технологик тадқиқотлар институти мутахассислари яна бир янгиликка қўл урдилар. Улар кўп қатламли, лекин ўта юпқа газлама яратдилар. Бу газламанинг афзаллиги шундаки, у товуш ўтказмайди.*

*Газламадан тикилган пардалар кўчадан уйга кираётган шовқинни 7 децибаллгача камайтиради. Ҳозир Американинг айрим шифохоналари ўз палаталарини ана шундай ҳимоя воситаси билан жиҳозлашмоқда.*

### Альцгеймер касаллиги ўрганилмоқда

*Швециянинг Каролина шифохонаси профессори Ларс-Олоф Вахлунд, бир неча йиллик тадқиқотлардан сўнг, шундай хулосага келди: телевизор қаршисида ўтириб, кўрсатувлари томоша қилинган ҳар бир соат кишида Альцгеймер касаллигининг 30 фоизга ортишига олиб келаркан. Аксинча, китоб ўқиш, кроссворд ечиш, шахмат-шашка ўйнаш, йўрғалаб юриш бу касалликни даволашнинг энг мақбул усулларидан бири ҳисобланади.*

*Айтиш керакки, бу касалликнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳануз тўлиқ кашф этилмаган. У кишида ақлни камайтиради, айниқса, ёши улуғ одамларда хотирани сусайтиради ва умуман йўқотиши ҳам мумкин.*

### Ёрлиқшунос

*Испаниялик Памплона Ҳайме шароб шишаларига ёпиштирилган ёрлиқлар йиғиш билан шуғулланади. Ҳозир унинг коллекциясида 30 мингдан ортиқ шундай "экспонат" бор. У ёрлиқлар йиғишга ишқибоз бўлган 225 испаниялик орасида биринчи ўринда бормоқда.*

**"Ғаройиб олам" китобидан.**

*Қонун барчага баробар*

# ЗИЁЛИНИНГ ИШ ҲАҚИ

## уни ўзлаштиришга уринганлар жазосини олди

Навоий вилояти прокуратураси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратиляпти. Жумладан, ўтган 2009 йил давомида вилоятда қонунларнинг ижро этилиши юзасидан ихтисослаштирилган прокуратура органлари билан биргаликда 373 та текширишлар ўтказилган. Уларнинг натижаларига кўра, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан прокурорлик назорати ўрнатилди. Хусусан, 68 та жиноят иши қўзғатилиб, 953 нафар шахс маъмурий, 7 нафар шахс моддий, 806 нафар шахс эса интизомий жавобгарликка тортилди. 536 та тақдимнома, 413 та протест киритилиб, 1667 нафар шахс расман огоҳлантирилди. Корхона, ташкилот ва хўжаликларга етказилган 106 миллион 678 минг сўм миқдоридаги моддий зарар ихтиёрий равишда ундирилиб, 546 миллион 106 минг сўмлик зарарни ундириш мақсадида судларга 395 та даъво аризалари киритилди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишда Хатирчи туманидаги 71-мактаб ҳисобчиси F.Эргашев 11 миллион 206 минг 700 сўм, 31-мактаб ҳисобчиси Э.Ҳакимов эса 2 миллион 402 минг сўм иш ҳақларини мураббий ва ўқитувчиларга тарқатмасдан «жиғилдонига урган». Натижада мактабда ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар ўзларининг ҳалол меҳнати эвазига берилиши лозим бўлган иш ҳақларини ололмасдан сарсон-саргардон бўлган. Устомон ҳисобчилар эса уларга ҳар хил баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмаган. Бу ҳолат юзасидан етказилган зарар ундирилиб, ўз вазифасига виждонсизларча ёндашган кимсалар қонунда белгиланган тартибда жазосини олди.

Дарвоқе, шартнома ҳар икки томон ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солувчи қонуний ҳужжат. Бироқ, айрим ҳолларда мутасаддилар тузган шартномасига нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлишади. Натижада бундан ўзи ҳам, корхона ҳам бирдек зарар кўради. Хатирчи туманидаги «Зарланиндустрия» МЧЖ раҳбарлари ана шундайлардан чиқиб қолди. Улар «Ипотекабанк»нинг Зарафшон филиалидан 2 миллион 321 минг 500 АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи олиб, шундан 953 минг 368 АҚШ долларини қайтаришни пайсалга солиб юраверган. Оқибатда шартнома талаблари қўпол равишда бузилган. Текширишлар давомида корхона директори М.Абдусаломов ва бош ҳисобчи лавозимида ишлаган Р.Хушонов ва М.Элмуродовларга нисбатан ЖКнинг 186-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли жазо қўлланилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар, қарорлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилди. Кўрилган чора-тадбирлар, амалга оширилган ишлар натижасида аҳолининг кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож қатламлари доимо давлат ҳимоясида. Мазкур соҳа йўналишидаги қонунчилик талаблари юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 34 та тақдимнома киритилди, 136 нафар шахсга интизомий, 7 нафар шахсга маъмурий, 7 та жиноят иши қўзғатилиб, давлат ғазнасига етказилган 4 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар ихтиёрий ундирилди, 4 миллион 307 минг сўмини ундириш учун судга 6 та даъво аризаси киритилди.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак. АТ «Халқ банки» Зарафшон шаҳар филиалига қарашли Учқудуқ мини банки бош ҳисобчиси Г.Абулов, назорат мутахассиси Б.Бозорова, ҳисобчи-назоратчи Н.Исломова ва хазиначи Х.Сайнбенбетовлар ўзаро жиноий тил бириктириб, 58 ҳолатда 3 миллион 376 минг сўмлик нафақа тўловларини тўлаб бермасдан ўзлаштириб, талон-тарож қилганликлари аниқланди.

Бундан ташқари, Учқудуқ туман бандликка кўмаклашиш маркази мутахассиси Ш.Қаҳҳоров ишсиз фуқароларни ишга жойлаштиришда квота иш ўринларидан фойдаланмаган. Натижада иш сўраб келган фуқароларнинг мурожаатлари фақатгина қоғозларда қолиб кетаверган. Навбаҳор тумани Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Н.Худойназаров эса ташкил этилган янги иш ўринларини негадир ҳисоботларда кўрсатмасдан келган. Ҳар икки масъул мансабдор қонунда белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортилди.

**Алишер ТЕШАЕВ,**
**Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

ADOLAT
Inson manfaatlari — oliy qadriyat
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-57-14
ISSN 2091-5217
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100
Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи — Эминжон ЮЛДОШЕВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 200. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 4065. Босишга топшириш вақти – 01.15 Босишга топширилди – 01.30 1 2 3 5 6 7 8